



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 - mart

372a -son

Bog‘ot shaharchasi

“MIRON ATLANTIC HOUSE” МЧЖга Богот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудидан “Иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

“MIRON ATLANTIC HOUSE” МЧЖи раҳбари Ф.Бобожоновнинг Богот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудидан “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил февраль ойидаги сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида”ги 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида” 52-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “MIRON ATLANTIC HOUSE” МЧЖига Богот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудидан “Иссиқхона” қурилиши учун кишлок хўжалигида фойдаланиладиган 225, 227, 230 қисман контур, 33 балл бонитетли 120000,0 квадрат метр ер майдони вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

2. Туман ер ресурслари давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибаев)га ер ҳисоботини тузиш даврида ушбу ўзгаришларни ҳисобга олиш вазифаси топширилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев) ва “Қалажикқалъа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Т.Полвонов)га вақтинча

(10 йил) муддатга ажратилган ер майдонини жойида далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 1 (бир) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

5. “MIRON ATLANTIC HOUSE” МЧЖи раҳбари Ф.Бобожоновга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи Хоразм вилояти ҳокимидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбанов ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязовлар зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев